

Республикамиздаги имом-хатиб ва имом ноиблари учун тажвид илми бўйича амалий машғулот давом этмоқда



17:22 / 01 ноябрь 563

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар хазратларининг ташаббуслари билан Республикамиздаги масжидларда фаолият олиб бораётган имом-хатиб ва имом ноибларининг Қуръон қироати бўйича билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг сентябрь ойида тажвид илми бўйича ўқув-амалий машғулотлари бошланди.

Айни дамда мазкур буйруқнинг ижросини таъминлаш мақсадида, Республикамизда фаолият олиб бораётган имом-хатиб ва имом ноиблари учун тажвид илми бўйича ўқув машғулотлари бошланди. Жумладан:

- Абдуллоҳ қори Ҳайдаров Хоразм вилоятида
- Аълохон Қори Нуриддинов ва Ориф қори Абдуваҳҳобовлар Тошкент шаҳрида
- Темурхон қори Атоев Навоий вилоятида
- Акбархон қори Асқаров Қашқадарё вилоятида
- Муҳаммаджон қори Раимжонов Жиззах вилоятида
- Музаффар Қори Аҳмедов Сурхондарёвилоятида
- Абдулбосит қори Эшқобилов ва Манас қори Нормановлар Қорақалпоғистон Республикасида
- Абдулазиз қори Супиев Самарқанд вилоятида

- Ҳамидуллоҳ қори Арипов Бухоро вилоятидаги имом-хатиб ва имом ноибларининг қироатини сайқаллаш бўйича амалий машғулотларни олиб бормоқда.

Машғулотларда имом-хатиб ва имом ноиблари тажвид борасидаги билимларини ошириб, мутахассислардан бу борада керакли тавсия ва топшириқларни олмақдалар.